Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 7-iyun. Shanba • 69-70 (31.817) • Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, халқаро конференция иштирокчиларини — нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар ва мутахассис-амалиётчилар, иқтисодиётнинг аграр секторида фаолият кўрсатаётган компаниялар, банклар ва бошқа молия институтлари раҳбарларини қутлаш ва мазкур форумда қатнашаётганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силва, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якоб, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Вен Сай Чжанг, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Януш Херман, Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котибининг ўринбосари Ҳамид Опелоер, Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти бош директори Жан-Мари Оран, Жаҳон банкининг Марказий Осиёда барқарор ривожланиш масалалари бўйича бўлими раҳбари Лоран Дебр, Ислом тараққиёт банкининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш департаменти директори Демба Ба, Бельгия Парламенти Сенатининг аъзоси Доминик Тильманс, Болгария қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазири Димитар Греков ва форумдаги иштироки билан бугунги анжуманимизнинг аҳамиятини янада ошираётган бошқа қадрли меҳмонларимизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Конференцияда 40 та мамлакатдан ва 20 та халқаро ташкилотдан 200 нафардан зиёд меҳмон иштирок этмоқда.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

2008 йилда бошланган инқироз билан боғлиқ воқеалар барчамизнинг эсимизда, ўшанда жаҳон миқёсида нархнаво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган, бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

**Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут** озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда.

Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ерости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳақида бормоқда.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам қўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда.

Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини «даладан дастурхонга» схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари шу тариқа бой берилади.

Объектив реал ҳолат ана шундай бўлиб, айниқса, бу муаммо ғоят кескин бўлиб турган минтақа ва ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлиги прогнози ва муаммолари ҳақида сўз борганда, бу ҳақиқатни ҳисобга олиш керак.

**Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман: бу принципиал муҳим масала бўлиб, уни инобатга олмасдан туриб, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш муаммосини муҳокама қилишнинг ўзи мантиқсиз бўлур эди.**

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган меъёрдаги эҳтиёжни аниқлашда мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш вазифаси фақат меъёрдаги калорияга эга бўлган ва ҳар куни истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат эмаслигини эътиборга олиш ўта муҳимдир.

Тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, **унинг организмида тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш** учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқ.

Бу борада овқат билан бирга ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларнинг ҳам истеъмол қилиниши инсон ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди.

**Бошқача айтганда, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда — бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур.

*Давоми 2, 3-бетларда.*



## Озиқ-овқат мустақиллиги — фаровонлик, барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омили

**Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 6 июнь куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Форумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, дипломатик миссия раҳбарлари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия сингари қирқдан ортиқ мамлакатдан етакчи эксперт ва ишбилармонлар иштирок этди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

*Давоми 4-бетда.*

## Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силвани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциядаги фаол иштироки учун меҳмонга миннатдорлик билдирди. Президентимиз ФАО озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир халқаро сиёсат ва тадбирларни ишлаб чиқиш борасида жаҳон ҳамжамиятининг муҳим институти эканини қайд этди.

Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо бўлган 2001 йилдан буён мамлакатимизда саккизта миллий ва минтақавий лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда миллий ва минтақавий аҳамиятга молик яна бешта лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Учрашувда ФАО асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ресурслари бўйича халқаро ва минтақавий мувозанатни шакллантириш, ривожланаётган мамлакатларга энг илғор селекция ва ерга ишлов бериш усуллари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш технологияларини жалб этишда, тўғри ва тўйимли овқатланишни таъминлаш масаласини халқаро даражага кўтаришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўзбекистонда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрланмоқда, сувни тежаш ва сув ресурсларини бошқариш бўйича замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ерга ишлов бериш, селекция ва уруғчилик, шунингдек, чўлланиш ва ернинг емирилишига қарши курашишнинг илғор усуллари татбиқ этилмоқда.

Учрашувда ташкилот раҳбарининг Ўзбекистонга илк ташрифи чоғида Тошкентда ФАО ваколатхонасининг очилгани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Суҳбат давомида озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат экинларининг қурғоқчиликка чидамли янги навлари ва деҳқончиликнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жозе Грациану да Силва самимий қабул ва конференциянинг юксак савияда ташкил этилгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Мазкур форум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди. Меҳмон ФАО Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади.

**ЎзА**

### СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА




## Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларининг ёрқин ифодаси

«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда 40 дан зиёд мамлакатдан 200 дан ортиқ чет эллик олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан кутиб олди.

ЎзА мухбирлари конференциянинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

⇨ 3

### ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН

## Электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда

### ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятлари

**ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Ўзбекистон Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган фуқароларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.**

***Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишишингиз мумкин.***




Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида «Партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишда ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятлари» мавзуида минтақавий амалий семинар ташкил этди.

► *Давоми 4-бетда.*

# Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, **биз мазкур форумнинг мақсад ва вазифаларини сиз, анжуман қатнашчиларини Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати билан таништириш, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини муҳокама этишдан иборат деб биламиз.**

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истиқболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган деҳқончилик маданияти ва савиясига, керак бўлса, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлиқ харидоргир бўлишига боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мавсум янги кўкатлар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошланиб, бутун йил мобайнида, бозорларга узум, қовун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойининг бошига қадар давом этади. Бу эса Ўзбекистонни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан деярли йил давомида барқарор таъминлайдиган ишончли базага эга бўлган мамлакатга айлантиради.

Сиз, муҳтарам меҳмонларга яна бир сирни айтмоқчиман. **Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғунлиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин.**

Чиндан ҳам, бизнинг меваларимиздан татиб кўрган ҳар қандай одам, ўйлайманки, менинг фикримга қўшилади. Барчамиз ҳам ўз юртимизда етиштириладиган мева-сабзавотларни хуш кўрамиз, албатта. Бироқ, дунёнинг ҳар бир гўшасида ҳам шундай қулай об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу борада олимлар ҳозиргача аниқ таърифлаб бера олмайдиган кўпгина бошқа бир-бирига боғлиқ омиллар ҳам борки, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача таъсирга эга. Бу маҳсулотлар фойдали микроэлементларга жуда бой ва қадимда Ибн Сино турли касалликларни даволаш учун айнан мева ва сабзавотлардан фойдаланган, чунки у замонларда кимёвий дори-дармонлар мавжуд бўлмаган, беморлар табиий воситалар ёрдамида даволанган. Бу эса энг аввало сабзавот, мева, турли гиёҳ ва ўсимликлардир. Бугунги кунда ҳам қишлоқларимиздаги халқ табиблари бундай воситалардан қандай фойдаланиш, баъзи бир хасталикларни қай усулда даволашни яхши биладилар. Мен сизларни бизнинг мева-сабзавотларимизни татиб кўришга таклиф қилар эканман, авваламбор, уларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутаман.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Ўзбекистонда етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятлари ва тўйимлилик даражаси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб мева ва сабзавотлари, бекиёс мазаси ва хушбўй ҳиди билан ажралиб турадиган қовунлари билан маълуму машҳурдир.

**Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини кўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради.**

Айни масалага алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин, лекин бу мавзу дунёда анчагина долзарб бўлиб, шу ҳақда турли, баъзан ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Менинг назаримда, генларни модификация қилиш технологиялари, умуман олганда, яхши ниятда юзага келган, яъни ҳосилдорлик ҳажмини оширишга қаратилган. Лекин, бундай технологиялар инсон саломатлигига зиён етказмаётгани, ўн ёки йигирма йилдан кейин салбий оқибатларни келтириб чиқармаслиги аниқ исботланмагунга қадар, мен бу масала билан ҳозир фаол шуғулланаётганларга бу ишларга жуда берилиб кетмасликни тавсия қилган бўлардим. Бунда, ўйлашимча, энг аввало тижорат, ҳатто эгоистик мақсадлар кўпинча устунлик қилади. Менинг шахсий фикрим шуки, бу масала устида ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўриш лозим.

Биз минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларнинг ўрнига доимо қўллаб келаётган ва биз учун устувор бўлган органик ўғитлардан фойдаланишни афзал деб биламиз. Бошқа кимёвий воситалар қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда ишлатилиши мумкин. Лекин улардан стимулятор, яъни экинни тез ривожлантирадиган восита сифатида фойдаланиш умуман мумкин эмас, чунки бу борада энг яхши, синалган восита — бу органик ўғитлардир.

Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга — товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан ажралиб туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги фақат битта экин — бутунлай пахта толаси етиштиришга йўналтирилгани ва биз ушбу маҳсулот билан бутун социалистик лагерни деярли тўла таъминлаганимиз эътиборга олинадиган бўлса, юқорида қайд этилган муваффақиятлар нақадар муҳим экани яққол аён бўлади.

1990-йилларда экин майдонларимизнинг қарийб 90 фоизига қадар пахта экилгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис деярли ҳеч қандай алмашлаб экиш деган нарса бўлган эмас. Тупроқ кучсизланиб бораверган, фақат битта мақсадда бешафқат ишлатилган.

Ўшанда собиқ марказда «меҳнат тақсимоти» деган принцип ҳукмрон эди. Яъни, собиқ республикалардан қай бири гўшт, яна бири буғдой, яна кимдир бошқа товарларни иқтисодий оғир шароитда энг қимматли, ноёб молга айланиб қоладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарарди. Бизнинг чекимизга эса, пахта етиштириш тушган бўлиб, унинг ҳажми йилдан-йилга ортиб борарди. Лекин, афсуски, бизга ваъда қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган миқдор ва муддатда етиб келмасди.

Ўша пайтларда биз Ўзбекистонда етиштирилаётган қарийб 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8-10 фоизини ўзимизда қайта ишлардик, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланарди. Натижада асосий фойда пахта хомашёсини қайта ишлаган мамлакатларга келиб тушарди.

Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўша даврда Ўзбекистонни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш тўғрисида ҳеч қандай гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шу сабабли биз асосий озиқ-овқат товарлари, жумладан, буғдой, ёрма, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум ва шакарнинг асосий қисмини четдан олиб келишга мажбур эдик.

Совет даврида пахта яккаҳокимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёқлама ривожлантириш натижасида унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, ғалла ва ҳатто мева-сабзавот ва картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар туфайли биз ғўза экиладиган майдонларни икки баробар қисқартирдик ва пахта етиштиришни 6 миллион тоннадан 3 миллион тоннадан сал кўпроқ бўлган даражагача камайтирдик. Пахтадан бўшаган ерларни озиқ-овқат экинлари учун ажратиб бердик.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли институционал ўзгаришлар ташкил этди, уларнинг мазмун-моҳияти маъмурий ва режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор муносабатларига ўтишдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалиги ерлари янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига ижара асосида ер участкалари ажратиш орқали, давлат томонидан зарур имтиёз ва преференциялар яратиш йўли билан берилди. Хусусан, фермерлар соддалаштирилган солиқ солиш тизимидан фойдаланмоқда — улар фақат битта солиқ, яъни ягона ер солиғини тўлашмоқда. Фермерлар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси 5 фоиздан ошмайди.

Фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда 1,5 мингдан зиёд минибанк, қарийб 2 мингта машина-трактор парки, ёқилғи ва минерал ўғит сотиш бўйича 2,5 мингга яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 1,5 мингта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 350 дан ортиқ консалтинг марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника билан таъминлаш учун Германиянинг «Клаас» ва «Лемкен» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда энг замонавий тракторлар, ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва бошқа тиркама ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Фақатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда токзорларни 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган.

Истиқлол йилларида, яъни ўтган 22 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Авваллари биз аҳолимизни боқиш учун 5 миллион тонна буғдойни четдан сотиб олишга мажбур эдик. Эндиликда эса биз ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлмоқдамиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайганини алоҳида таъкидлашни истардим.**

Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган.

Биз бундай ютуқларга нимнинг ҳисобидан эришдик?

Биз аввало шу йўлда ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз сари интилдик ва муайян натижаларни қўлга киритдик.

Бу борада энг асосий омил нима бўлди, деган саволга мен, энг асосий, ҳал қилувчи омил — бу бизнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимиз, деб жавоб берган бўлардим. Ўзбек халқининг нақадар меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчага, узоқ-узоқ ўлкаларда ҳам яхши маълум.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпгина республикалар бошқа давлатлар ўн йиллар, балки юз йиллар давомида эришган ютуқ ва марраларга бир зумда эришмоқчи бўлишди. Биз бунинг уддасидан чиқиш учун барча имкониятларимизни ишга соламиз, ҳаммадан ўзиб кетамиз, деган баландпарвоз гаплар айтилди, турли режалар, ҳисоботлар тузилди, улар ҳақида дунёга жар солинди. Кейин маълум бўлдики, шошма-шошарлик билан узоққа бориб бўлмас экан.

Бу ҳақда гапиришдан мақсад шуки, биз осонлик билан эришиб бўлмайдиган марраларга шоша-пиша югурмадик, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб иш олиб бордик, шунинг учун ҳам бизнинг тараққиёт йўлимиз дунёда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» деб тан олинди.

Одатда бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтилар экан, йиллар давомида ҳал этишга тўғри келадиган муаммолар пайдо бўлади. Бир сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш учун энг муҳими одамларнинг онгини, тафаккурини ўзгартириш лозим. Бу ишни амалга оширмасдан туриб маъмурий-буйруқбозлик, субъектив, волюнтаристик сиёсатга асосланган режали-тақсимот тизимидан бозор иқтисодиётига асло ўтиб бўлмайди.

Мен собиқ мустабид тузум даврида Ўзбекистон Давлат план қўмитасида ишлаганман, кейин молия вазири бўлганман, шунинг учун режали-тақсимот тизимини ич-ичидан биладиган инсонман.

Шунинг учун ҳам ўша замонларга қайтишни хоҳлаб, ўтмишни қўмсаш кайфияти билан юрган ҳар қандай одам билан баҳслашишга тайёрман. Такрор айтаман, мен бу жараёнларни ичидан биламан, шунинг учун режали-тақсимот тизими нима сабабдан ўзини оқламаслиги менга жуда яхши аён.

Масаланинг маъно-моҳияти шундаки, биз мустақил тараққиёт йўлида ўзимиз учун мақбул бўлган моделни жорий этдик. Бу модель 5 та тамойилга асосланади.

Биринчиси — иқтисодиётни мафкурадан тўлиқ холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш. Биз энди илгаригидек мафкуравий тизимда яшай олмас эдик, яъни биронта давлатга қандайдир мафкуравий ёрлиқлар босилгани сабабли у билан иқтисодий ҳамкорлик қилмаслик йўлидан боролмас эдик.

Иқтисодиётни ҳеч қандай мафкура билан бўғиш, жиловлаш мумкин эмас. Бизнинг халқимизда, оч одам мусиқани қорни билан тинглайди, деган гап бор. Яъни, турмуш даражаси паст, оддий эҳтиёжларини ҳам қондира олмайдиган одамни ҳеч қандай мафкура билан тўйдириб бўлмайди.

Иккинчи тамойил — давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши.

Учинчи тамойил — қонун олдида ҳамманинг тенглиги, яъни бу қонун устуворлиги принципидир.

Тўртинчи тамойил — бу кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилишини инобатга оладиган бўлсак, кучли ижтимоий сиёсатни таъминламасликка бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Ва ниҳоят, бешинчи тамойил, биз ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил равишда амалга ошириш йўлини танладик. Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, ўз олдимизга қўйган мақсадга, худди отчопардаги пойгада бўлгани каби, бирданига эмас, энг аввало тегишли ҳуқуқий пойдевор яратиб, малакали ва етук кадрларни тайёрлаб, тинимсиз интилиб, машаққатли меҳнат орқалигина эришиш мумкин. Биз айни шундай йўлни танлаганмиз.

Бизнинг одамларимиз, ёшларимизга бир қаранг, уларнинг кўзлари қандай ёниб, порлаб турибди. Улар бугун бошқалар эплай олмайдиган вазифаларни амалга оширишга қодир. Чунки улар ўзида мавжуд бўлган катта салоҳиятни рўёбга чиқариш, намоён қилиш истаги билан яшамоқда.

Мен буни ёшлар тарбиясидаги энг муҳим масала деб биламан. Ёшларга ўз имконияти, қобилияти, куч-қувватини рўёбга чиқариш учун имкон берилган тақдирдагина жамият албатта ўзининг барча мақсад-муддаоларига эришади.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз ўртасида кенг тарқалиб, машҳур бўлиб кетган иккита шиорни эслаш ўринлидир.

Биринчи шиор — «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган муҳим ҳаётий принципни ифода этади. Яъни, янги ҳаёт, янги жамият қуришда аввалги ҳаёт тажрибасидан ҳам фойдали жиҳатларни албатта олиш керак бўлади.

Иккинчи шиор эса «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган сўзларда мужассам топган.

Чиндан ҳам, ислоҳот инсон манфаатларига хизмат қилсагина, одамлар бу ислоҳотларнинг барчаси нима учун зарурлиги, ўзини оқламаган эски мафкуравий тизимдан эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик тизимга ўтишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини тушуниб етади.

Биз кенг кўламли ислоҳотлар йўлида бугун нималарга эришганимиз ҳақида яққол тасаввур берадиган иккитагина рақамни келтираман ва ўйлайманки, шунинг ўзи сизларга етарли бўлади.

Жаҳон миқёсида 2008 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистонда кейинги 9 йилда дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари камида 8 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, давлатимизнинг қарзи ялпи ички маҳсулотимизга нисбатан 11 фоиздан ошмайди, олтин-валюта захираларимиз йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, бизда бюджет дефицити йўқ, аксинча, унинг профицит билан бажарилаётгани кузатилмоқда ва биз ҳар йили ижтимоий соҳа ривожи учун йўналтирилаётган маблағлар улушини жиддий равишда ошириб боряпмиз. Аниқроқ айтганда, бу соҳага давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини, жумладан, таълим тизимига — 34 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳасига — 15 фоиз бюджет маблағларини йўналтиряпмиз. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт суръатларини яққол ифода этади.

Бугун биз Озиқ-овқат дастури тўғрисида сўз юритяпмиз, лекин миллий тараққиёт ҳақида сўз борганда, фақат шу дастур билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Чунки Озиқ-овқат дастури бутун мамлакат иқтисодиёти доирасидан ташқарида ривожлана олмайди. Шундай экан, биз ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида яна кўп-кўп масалаларни комплекс ҳал қилишимиз, энг аввало, бу борада кучли иқтисодий салоҳият яратишимиз, ундан ҳам муҳими, юқорида айтганимдек, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартиришимиз шарт.

Ҳозирги вақтда биз умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўргазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. **Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради.**

Сиз, ҳурматли меҳмонларимиз, кеча ва бугун мамлакатимизда етиштирилаётган хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларини ўз кўзингиз билан кўриб, улардан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдингиз.

Агар мева ва сабзавот маҳсулотларимизнинг нақадар бой, тўкин-сочин ва хилма-хил эканини бутун гўзаллиги ва жозибаси билан кўрмоқчи бўлсангиз, албатта бизнинг бозорларимизга кириб кўришингиз керак. У ерда нафақат ноз-неъматларимизнинг бетакрор чиройи ва нафосатини, балки сизнинг таассуротларингизни янада бойитадиган бизнинг одамларимизга хос очиқлик, самимият ва меҳмондўстликни ҳам кўрасиз.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари юқори суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганидан кўнглимиз тўқ бўлиши учун бугун бизнинг барча асосларимиз бор. Ўтган 10 йил давомида юртимизда мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш бўйича эришилган ўсиш суръатлари айнан шундан далолат беради.

Мисол учун, 2004-2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, мева ва сабзавот маҳсулотлари, узум етиштириш бўйича ана шундай истиқбол режаларини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бундай кўрсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича жиддий ишларни давом эттиришимиз зарур. Авваламбор, мева ва сабзавотларни сақлайдиган омбор ва музлатгичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йўл харажатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ечиш талаб этилади.

Шуни афсус билан айтиш керакки, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

*Давоми 3-бетда.*

O`ZBEKISTON OVOZI
Shanba • 2014-yil, 7-iyun. • 69-70 (31.817)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Мазкур соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётганига қарамасдан, маҳсулотни асл ҳолида сақлаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз, бу борада музлатиш, нейтрал газли муҳитда сақлаш каби замонавий технологияларни янада кўпайтириш талаб қилинади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совутгичли камера ва омборларни қуриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар халқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Бунинг учун биз мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри халқаро аэропортини ўз ичига олган, дунёдаги йирик юк ташиш компанияларидан бири — «Кореан Эйр» компанияси бошқарувида фаолият кўрсатаётган интермодаль логистика маркази қувватларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Яқин вақт ичида Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этади. Ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб берилади.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича олдимизга қўйган мақсадларимизга хорижий инвестицияларни жалб этмасдан, халқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянмасдан туриб эришиб бўлмаслигини биз яхши англаймиз.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада кўрсатаётган ёрдамини биз юксак қадрлаймиз. Уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, **биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида кўрсатилган амалий ёрдам ва ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.** Ўйлайманки, кимки шундай қўллаб-қувватлашдан баҳраманд бўлган бўлса, бундай ёрдамнинг аҳамиятини яхши тушунади.

Жаноб Жозе да Силванинг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаётганимиз, Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонасини очаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилганидан мамнун эканимизни билдирмоқчиман. Бу фонднинг асосий вазифаларидан бири юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ўзини оқлаган ёндашувларни амалга оширишдан иборатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ҳал этишдаги муҳим ўрнини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳани амалга ошириш имконини берган ҳамкорликни биз юксак қадрлаймиз.

Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Ўтган йили Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳасини амалга оширишни бошлаганимиз бежиз эмас. Унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз.

Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг еттита вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илғор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилгани қувонарлидир.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳа амалга оширилмоқда, шунингдек, Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани тайёрлашга киришилди.

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервалаш, музлатиш ва сунъий қуритиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. 2013 йилнинг ўзида бу корхоналар томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу соҳага киритилган сармоялар кўп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5-4 йил ичида ўзини қоплаши билан эътиборли эканини қайд этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хулосаларни биргаликда ишлаб чиқишни тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равишда алмашиб туришни талаб қилади.

**Бугунги анжуман доирасида амалга ошириладиган мулоқотлар, ушбу масала бўйича фикр, билим ва тажриба алмашувлар, таҳлиллар, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар конференциянинг барча иштирокчилари — халқаро ташкилотлар, ҳукуматлар, илмий муассаса ва компаниялар вакиллари учун ғоят фойдали бўлишига ишончим комил.**

Биз Ўзбекистонда барча халқаро ташкилотлар, хорижий инвесторлар, тадбиркорлар, банклар, олим ва мутахассислар билан биргаликда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканимизни, **мазкур анжуманнинг асосий вазифаларидан бири айни шундан иборат деб билишимизни алоҳида таъкидламоқчиман.**

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор ушбу муҳташам залда йиғилган сиз, азизларга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Меҳмондўст Ўзбекистон заминига ташрифингиз мазмунли, самарали бўлсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда.*

# БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва нутқи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларига Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат дастурини муҳокама этишга бағишланган ушбу муҳим форумга таклиф этгани учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва истеъмол бозорини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўзда тутадиган ҳар томонлама пухта озиқ-овқат стратегияларини қабул қилиш нақадар муҳим эканини кўрсатадиган кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бундай чора-тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларидан биринчиси бўлиб, очликка қарши курашиш, хусусан, тўйиб овқатланиш даражасини кўпайтиришга қаратилган мақсадга эришган кўплаб мамлакатлар саъй-ҳаракатларининг асосини ташкил этади.

Шу муносабат билан, ишончим комилки, Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда ва ўзининг шу йўлдаги саъй-ҳаракатларини давом эттириш учун жуда мустаҳкам асосга эга.

2000 йилларнинг бошларидан бугунги кунгача Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан тараққиётга эришди. 2000 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ҳосилдорлик муттасил ошириб келинаётгани бундай ҳайратланарли ютуқларнинг бош омилидир.

Мамлакатда буғдой етиштириш икки баробар, картошка ва сабзавот етиштириш уч баробар кўпайди. Мева етиштириш ҳам сезиларли равишда ортиб, узум етиштириш даражаси икки баробар ўсди. Умуман, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги йилига ўртача 6 фоизга ошиб бормоқда.

Бундай ижобий ўзгаришларга аграр тармоқни ислоҳ қилиш натижасида эришилди. Бу ислоҳотлар пахта якkaҳокимлигига барҳам бериб, тубдан диверсификация қилинган ишлаб чиқаришга ўтиш, фермерликни ривожлантириш ва қишлоқ инфратузилмасини яхшилашни таъминлади.

Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро бозорлардаги фаолиятини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ҳам қайд этмоқчиман. Бундай интеграция ҳозирги глобаллашган дунёда жуда муҳимдир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, мева ва сабзавотлар ҳажмининг ортиши бошқа мамлакатлардаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши мумкин. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Ўзбекистоннинг ана шу мақсадга қаратилган, изчил амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлари самарасини оширишга ҳисса қўшаётгани билан фахрланади.

Бугунги анжуманда муҳокама этилаётган озиқ-овқат дастури Ўзбекистоннинг кейинги йилларда эришган ютуқларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мамлакатнинг тараққиётга қаратилган саъй-ҳаракатлари самарадорлигининг ортишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлида учрайдиган таҳдидларни бартараф этиб, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида катта ютуқларга эришди.

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси Ер мулкини масъулият билан бошқариш бўйича ихтиёрий тавсияларни тасдиқлади ва ҳозирги пайтда Қишлоқ хўжалигидаги масъулиятли инвестициялар тамойилларини муҳокама қилмоқда. Ушбу икки ҳужжат қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ тараққиётига инвестициялар киритиш ва бу борада янада кенг кўламли саъй-ҳаракатларни таъминлаш бўйича фойдали тавсиялардан иборат бўлиб, пировардида озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон доимо олдинга интилиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон тасдиқлаган ўзгартирилган стратегик асос доирасида иш юритар экан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришга тайёр.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ваколатхонаси очилишини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз. Бу бизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаб, кенг кўламли янги лойиҳаларни жорий этишга ёрдам беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Глобаллашган дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор тараққиёт йўлидаги таҳдидларни енгиш учун биз биргаликда иш олиб боришимиз лозим. Бугунги анжуман ушбу таҳдидлардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтишга имкон яратганидан хурсандман.

Шуни таъкидлашни истардимки, гарчи жаҳонда умумий ҳисобда етарлича озиқ-овқат ишлаб чиқарилса-да, шу пайтгача бутун дунё бўйича 840 миллиондан ортиқ инсон очликдан азият чекмоқда. Бунинг асосий сабаби озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имконияти чекланганлигидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон шу пайтга қадар озиқ-овқат соҳасида кўп ишларни амалга оширишга эришди. Бу мамлакатнинг янада кўпроқ ишларни амалга ошириши учун салоҳияти етарли. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор тараққиёт йўлидаги ишларда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришга тайёрлигини таъкидламоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

# Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларининг ёрқин ифодаси

**Ораса ДИССАТАПОРН хоним,**
***Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси директори:***

— Президент Ислом Каримов нутқи мени ғоят тўлқинлантирди. Унда мамлакатингиз бугунги улкан ютуқ ва марраларга қандай омиллар эвазига эришгани аниқ баён этилгани аҳамиятга молик. Давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «ўзбек модели» бугун мамлакатингизнинг ҳар соҳада юксак натижаларга эришишида муҳим омил бўлаётир. Ушбу машҳур модель бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Узоқни кўзлаган, пухта ва ҳаётийлигини исботлаган бу стратегия бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнак олса арзигуликдир.

Ўзбекистонда нафақат ширин-шакар мевалар, тотли сабзавотлар етиштирилишига, балки улар халқаро стандартлар асосида қайта ишланаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бу маҳсулотлар юксак сифати, рақобатбардошлиги ва табиийлиги билан ҳар қандай харидорга маъқул келиши шубҳасиз. Ўзбекистонда салқин ичимликлар, жумладан, турли меваларнинг лаззатли шарбатлари ишлаб чиқарилаётганини билан яқиндан танишдик.

Тошкент кўчаларида сайр қилиб, турфа автомобилларга кўзим тушди. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган бундай замонавий автомобиллар Ўзбекистоннинг бу борадаги юксак салоҳиятини ва истиқлол йилларида эришилган улкан муваффақиятларини намоён этмоқда.

**Жужанна ЯКОБ хоним,**
***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори:***

— Мазкур конференция бутун дунё мамлакатлари учун ғоят долзарб мавзуга бағишланган йирик анжуман бўлди. Халқаро форум жаҳон озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш каби бугунги куннинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилган. Мамлакатингизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳонда кам учрайди. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилингани эътиборга молик. Зотан, давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакат тараққиётининг асоси соғлом авлоддир. Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини муваффақиятли амалга ошираётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана шундай ислоҳотлар натижасида тарихан қисқа муддатда мамлакатда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайгани диққатга сазовор. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларининг ёрқин ифодасидир.

**Жан-Луис РОЛО,**
***Валлон қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари маркази бош илмий ходими (Бельгия):***

— Президент Ислом Каримовнинг маълумотларга бой нутқидан кўплаб янги ва муҳим қирраларни кашф этдим, тажрибамни бойитдим. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, олиб борилган изчил ислоҳотлар ва амалга оширилаётган изчил дастурлар, эришилган юксак натижалар борасидаги кўплаб маълумотларни катта қизиқиш билан тингладим. Мамлакатингиз раҳбарининг улкан эътибори ва ғамхўрлиги самарасида халқингиз фаровон турмуш кечириши тўлиқ таъминланаётгани жуда қувонарли.

Анжуман доирасида Ўзбекистонда картошка етиштириш саноати билан яқиндан танишиб, фермерлар билан музокаралар ўтказдим. Кўплаб хўжаликларда бўлиб, картошка етиштириш усуллари ва жараён билан танишдим. Ўзбек фермерлари билан бу борадаги ҳамкорлигимизнинг келажаги порлоқ.

**Ханс ХУВЕН,**
***«IG-Projects» компанияси директори (Нидерландия):***

— Президент Ислом Каримов нутқи мамлакатингиз иқтисодиётида, жумладан, озиқ-овқат саноати соҳасида эришилган муваффақиятлар, соҳада пухта ишлаб чиқилган дастур ва чора-тадбирларга оид фойдали маълумот ва маслаҳатларни қамраб олгани билан барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давлатингиз раҳбари томонидан мамлакатингизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш, айниқса, ғалла мустақиллигини таъминлаш қатъий вазифа қилиб қўйилгани, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ва дон мустақиллиги таъминлангани таҳсинга сазовор. Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор Ўзбекистон иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Анжуман Ўзбекистон ва дунё мамлакатларида агросаноат соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан яқиндан танишиш, фикр ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай замин яратди.

Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан иссиқхона технологиялари ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатишдан манфаатдормиз.

**ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.**

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Shanba ● 2014-yil, 7-iyun. ● 69-70 (31.817)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари мазаси, юқори сифати ва чиройли қадоқлангани билан ажралиб туради

# Озиқ-овқат мустақиллиги — фаровонлик, барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омили

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силва Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараёнда фаол иштирок этаётгани ва 2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида дунё мамлакатлари олдига қўйилган, хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни режа асосида амалга ошираётганини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, барча соҳаларда кенг кўламли изчил ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ўзининг тадрижий тараққиёт йўлини танлади. Бунда аҳолини тўғри овқатланиш меъёрларига мос, юқори сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шу муносабат билан фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида иқтисодий ислоҳотларни кучайтириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойилларига мос ташкилий тузилмасини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу борада қабул қилинган Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳамда молиявий мустақиллигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллигини изчил оширишни таъминлайдиган моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ер майдонларини оптималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда қишлоқларда фермер хўжаликларига кенг турдаги хизматлар кўрсатадиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ этишнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурслари ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш имконини бермоқда. Фармонга мувофиқ ташкил қилинган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда иш кўриб чиқилаётганда фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар самарасида айни пайтда юртимизда 73 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларнинг 28 мингдан ортиғи кўп тармоқлидир. Шу тариқа Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган асосий тармоқлардан бирига айланди.

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги изчил ривожланмоқда, — деди Болгария Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазири Димитар Греков. — Соҳага маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича замонавий ускуна ва технологиялар жорий этилганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари мазаси, юқори сифати ва чиройли қадоқлангани билан ажралиб туради. Бу борадаги ҳамкорлигимиз самарали ва манфаатли бўлади, деб ўйлайман.

Конференцияда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида аграр тармоқни мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий, жаҳон талаблари ва стандартларига мос ихтисослаштирилган техника ва ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг технологик таркибий қисмини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси ташкил этилади. Компания ўз таркибида замонавий осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникаси, уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводлари, шунингдек, Агрегат заводини бирлаштиради.

Конференцияда Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши озиқ-овқат саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни таъминлаётгани таъкидланди. Бугун мамлакатимизда қарийб етти мингта шундай корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ички ва ташқи бозорга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераётир. 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ҳамда 2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси аҳолига саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари, ўсимлик ёғи, маргарин, майонез, шакар ва бошқа маҳсулотлар етказиб бераётган юздан зиёд корхонани ўз таркибида бирлаштирган. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бир қисми экспорт қилинаётир.

Айни пайтда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари турини кенгайтириш ва ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли товарлар билан тўлдириш ишларини изчил давом эттирмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бу борада муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунгача асосий корхоналарда техник ва технологик янгилаш жараёни якунланди. Бунинг самарасида жорий йил биринчи чорагида озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоиз ўсди. Хусусан, қандолатчиликда бу кўрсаткич 3 баробар, озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасида 2,5 баробар ошди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури ҳам сезиларли даражада кенгайди. Масалан, соя, махсар, кунгабоқар каби таркибида мой бўлган ўсимликларни етиштириш учун ажратилаётган ер майдонларида ёғ-мой корхоналари томонидан йилига ўртача 95 минг тонна хомашё тайёрланиб, қайта ишланмоқда. Нон ва нон маҳсулотлари тури ҳам кўпайди. Айни пайтда мамлакатимиз корхоналарида уч юздан зиёд турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам катта ютуқларга эришилди. Уюшма корхоналарида бир йилда 1 300 тоннадан ортиқ конфет, вафли, карамель, мармелад, холва ва бошқа ширинликлар ишлаб чиқарилаётир. Етмиш турдан ортиқ сут маҳсулотлари, сариёғ, пишлоқ, йогурт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2013-2015 йиллар инвестиция дастурига мувофиқ мева шарбатлари ва шинни ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган уч юзга яқин лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар олдига ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва уни бошқаришнинг янги стандартлари, замонавий технологияларни жорий этиш масаласи қўйилган. Уларнинг жорий этилиши истиқболда корхоналар қувватини янги даражага кўтариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турини кенгайтириш имконини беради. Бундан ташқари, корхоналарни янги қоидалар бўйича сертификатлашга тайёрлаш, ходимларни қайта ўқитиш, махсус таъмирлаш гуруҳлари ташкил қилиш ва бошқа масалалар катта аҳамият касб этаётир. Айни пайтда қирққа яқин маҳаллий корхона «ISO 9001» сифатни бошқариш халқаро сертификатига эга. Қатор корхоналарда «ISO 22000» озиқ-овқат хавфсизлиги халқаро менежмент тизими йўлга қўйилган.

— Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзи ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якоб. — Ўзбекистоннинг ФАО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро комиссияси томонидан қабул қилинган озиқ-овқат халқаро стандартлари тўплами — Алиментариус кодекси, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни тизимли асосда қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлашга қаратилган «Саломатлик 2020» стратегиясини амалга оширишдаги иштироки эътиборга сазовордир.

Конференция қатнашчиларига мамлакатимизда ички истеъмол бозори ва аҳолини, айниқса, қиш-баҳор мавсумида мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, уларни экспорт қилиш кўламини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи харид қилиш, сақлаш ва аҳолини барқарор таъминлаш билан шуғулланмоқда. Уюшма чекка туманлардаги савдо тармоқларини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлашга ҳам катта эътибор бераётир.

Уюшма тизимида омборлар ва совутгичли камераларга эга 57 ҳудудий улгуржи савдо базаси ва корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда картошка, сабзи, пиёз, мева, полиз, гўшт маҳсулотлари, ун, ўсимлик ёғи, шакар, консерва ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақланмоқда. Омборларни реконструкция ва модернизация қилиш, замонавий музлатгич камералар барпо этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ялпи мажлисда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки вице-президенти Вен Сай Чжанг, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Януш Херман, Ислом тараққиёт банкининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш департаменти директори Демба Ба ва бошқалар Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотлар, озиқ-овқат хавфсизлигини, чунончи, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳисобидан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараларини юксак баҳолади.

Конференция шўъба мажлисларида давом этди. Уларда жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантириш, замонавий агротехнологияларни жалб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасида халқаро молия институтлари ва инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, мева-сабзавот экинлари ва узум ҳосилдорлигини ошириш, инфратузилма ва логистика тизимларини такомиллаштириш ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Халқаро конференция Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияли ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини оширишга оид зарур чоралар кўрилаётганини ёрқин намоён этди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг узвий қисми сифатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, улкан ишлаб чиқариш салоҳиятига эга агросаноат комплексини жадал ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиш ва шу тариқа мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Конференция натижалари бўйича якуний ҳужжат қабул қилинди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.**

# Халқаро ташкилот ваколатхонаси очилди

Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (Food and Agriculture Organization — FAO) 2001 йилда аъзо бўлган. Ўтган давр мобайнида ўзаро ҳамкорликда қурғоқчиликка қарши курашиш, ер деградациясининг олдини олиш, ўрмон хўжалигини ҳамда сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, сувдан фойдаланишнинг тежамкор технологияларини жорий этишга оид ишлар амалга оширилган. Бугунги кунда балиқчилик ва аквакультурани ривожлантириш, тоғли ҳудудларда дарё ҳавзаларини барқарор бошқариш, зараркунандаларга қарши курашиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон пахта монокультурасига асосланган республикадан иқтисодий салоҳиятини кенг намоён этаётган, барча соҳалар изчил ривожланаётган мамлакатга айланди, — деди Жозе Грациану да Силва. — Озиқ-овқат экинлари майдони кенгайтирилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш саноати жадал ривожланаётгани эътиборга сазовор. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ваколатхонаси очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мамлакатимизда БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Тараққиёт дастури, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Пойтахтимизда БМТнинг яна бир нуфузли органи — Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ваколатхонасининг очилиши ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиради. Мазкур ваколатхона мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини кенг ёйишга хизмат қилади.

**А.САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН**

# Электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда

## *ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятлари*





Мазкур анжуманда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Андижон, Наманган, Фарғона вилоят партия кенгашлари раислари ҳамда уларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, водий вилоятларининг шаҳар, туман партия ташкилотлари фаоллари, ахборот-маърифат хоналарига бириктирилган масъул ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун аҳолининг давлат тузилмалари фаолияти ҳақида ўз вақтида ахборот олиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар олдида масъулиятини ошириш ҳамда шу орқали ҳудудларни янада жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам мазкур Қонунни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш шу кунларда партия ташкилотлари ўтказаётган тадбирларнинг асосий мавзусига айланган.

Семинар доирасида Бўз ва Шаҳрихон туман партия кенгашлари ахборот-маърифат хоналари тажрибаси акс этган кўргазма ташкил этилди, «Китоб марафони» ўтказилди. Бу эса партия фаолларига тажриба алмашиш, илғор ютуқлардан фойдаланиб, Ахборот-маърифат хоналари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашиш имкониятини яратди.

Семинарда **ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов** «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун ва унинг партия электорати манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамияти хусусида сўз юритди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева** электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

— Ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, кундалик турмуши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлади, — деди у. — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан тегишли ахборотларни олишда аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами энг кўп қийинчиликларга дуч келар эди. Айниқса, турли идораларга мурожаат қилиб, жавоб кутиб вақт йўқотарди. Энди улар ўз манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларни ҳеч қандай қийинчиликсиз олади.

Шу боис ЎзХДП ташкилотлари, депутатлари мазкур Қонун тарғиботини изчил олиб бориши талаб этилади. Энг аввало, бу Қонуннинг аҳамияти, айниқса, электоратимиз манфаати билан боғлиқ жиҳатларини кенг тарғиб қилишимиз зарур.

Шунингдек, Шарбат Абдуллаева мафкуравий йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлигига алоҳида тўхталди. Бунда халқ кўнглига тез етиб борадиган ғоялар базасини ишлаб чиқиш ва аҳоли ўртасида кенг тарқатишга эришишга эътибор қаратди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова ҳам семинар кун тартибидаги масалалар ҳақида фикр билдирди.

— Тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил ўтказишда ахборот-маърифат хоналари ва бурчакларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур, — деди у. — Бу борада Бўз, Шаҳрихон туман партия кенгашлари яхши тажриба тўплаганини кўрдик. Албатта, уларни оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунда давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотдан барчанинг фойдаланиши мумкинлиги, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги, давлат идоралари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, бундай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий тамойиллари сифатида кўрсатиб ўтилган. Демак, кўргазмали тарғибот воситаларимизда ҳам мазкур Қонун айнан бизнинг партиямиз электоратига қандай ҳуқуқлар, имкониятлар бераётганини содда қилиб, ҳамма тушунадиган тилда акс эттириш зарур, деб ўйлайман.

Минтақавий семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон минтақавий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Адҳамжон Узоқжонов, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Гулнора Исмоилова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарда Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини самарали ҳал қилиш бўйича ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ҳаётий аҳамиятга эга экани тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Қабул қилинаётган қонунларда партия электорати манфаатларини янада кенгроқ ифода этиш мақсадида ЎзХДП фракцияси бевосита партия Марказий Кенгаши ва ҳудудий ташкилотлари билан биргаликда қонунлар лойиҳаларини электорат ўртасида муҳокама этиш амалиётини такомиллаштириши кераклигига алоҳида урғу берилди. Қонунларда кенг жамоатчилик фикрини теран ифода этишда бу муҳим институт бўлиб хизмат қилиши айтилди.

Партия Марказий Кенгаши ахборот-ресурс маркази раҳбари Насиба Турғунованинг «Сиёсий жараёнларда партия ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ва сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиши йўллари» мавзусидаги маърузаси ахборот-маърифат хоналари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўқув машғулотларига уланиб кетди. Интерфаол баҳс-мунозаралар ва гуруҳлардаги муҳокамалар қизғин кечди.

— Семинар туфайли Андижондаги ибратли тажрибаларни ўргандик, — дейди **ЎзХДП Янгикўрғон туман кенгаши раиси Соҳибахон Дадабоева.** — Ўзаро фикр алмашдик, партия электорати манфаатини самарали ҳимоя қилишда ахборотдан эркин фойдаланишнинг янги имкониятлари ҳақида баҳслашдик. Бу келгуси фаолиятимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Семинарга партиямизнинг водий бўйича фаоллари йиғилгани айни муддао бўлди, — дейди **ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Муҳаммаднўъмон Эгамбердиев.** — Баҳс-мунозаралар асосида, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтган бундай семинарларни энди биз ўзимиз партиянинг қуйи бўғинларида кўпроқ ўтказишимиз керак.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Кўргазмали тарғибот воситаларимизда ҳам мазкур Қонун айнан бизнинг партиямиз электоратига қандай ҳуқуқлар, имкониятлар бераётганини содда қилиб, ҳамма тушунадиган тилда акс эттириш зарур.***

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

# Сайловолди дастури ижросида

## бошланғич партия ташкилотларининг иштироки кучайиб бормоқда

**Бугунги кунда Беруний туманида ЎзХДПнинг 2639 нафар аъзоси бор. Улар 51 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни депутатлар орқали давлат ҳокимияти органларига олиб чиқиш, муаммолар ечими юзасидан таклифларни шакллантиришда БПТ тобора фаоллашиб бормоқда.**

Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Туман ва шаҳар кенгашлари бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш ишларига жиддий эътибор қаратмоқда. Айниқса, партия тизимида тўрт босқичда ўтказиб келинаётган сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувлари қуйи бўғинларда кўпроқ ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айтиш жоизки, ўқув машғулотлари партия аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ғоявий-сиёсий савиясини оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада тумандаги бир нечта бошланғич ташкилотда етарли тажриба тўпланди. Масалан, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, жойларда ўтказилаётган сиёсий машғулотларда куннинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Энг муҳими, бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган сиёсий ўқувлар, аввало, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ташаббускорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



**Нурлан КИШАНОВ,**
**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари.**

Шу сабабли ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши электорат манфаатлари билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш, таҳлил килиш ва амалий таклифларни туман Кенгаши сессияси ва доимий комиссияларига олиб чиқишда партиянинг барча бўғинлари орасида тизимли ҳамкорликни таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Яъни, долзарб ижтимоий масалалар бошланғич партия ташкилоти, туман партия кенгаши ва гуруҳи, лозим бўлган тақдирда, партиянинг Қорақалпоғистон республика кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги гуруҳи муҳокамасига қўйилмоқда.

Депутатлар фаолиятининг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан унинг номзодини кўрсатган, қўллаб-қувватлаган, ортида турган партия билан қай даражада ҳамкорлик қилаётганига боғлиқ. Депутат бошланғич ташкилотлардан чиқаётган таклифлар асосида ижтимоий масалаларни депутатлик гуруҳи, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда кўтариб чиқса, улар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланса, ҳам электорат манфаати таъминланади, ҳам партиянинг нуфузи, таъсири янада ортади. Чунки, депутат ўз ишини ташкил этиш, муҳокамага тайёрланаётган масалани кенг ёритиш ва таклифлар ишлаб чиқиши учун партиядан куч олади. Барча масалаларга ўз муносабатини билдиришда партиявий ёндашувдан, партия дастури, Сайловолди дастуридан келиб чиқади.

Бошланғич партия ташкилоти партиянинг таянчи, деб бежиз айтилмаган. Чунки электорат муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишдаги асосий вазифа қуйи бўғинлар зиммасида туради. Бу ҳақда гап кетганда, Кегайли туманида олиб борилаётган амалий ишларни таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда туманда партиянинг 50 та бошланғич ташкилоти, 1467 нафар аъзоси бор. Қуйи бўғинларда партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича мунтазам равишда иш олиб борилмоқда.

Масалан, Ҳаракат дастурига асосан, туман партия кенгаши ва гуруҳи ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича қилинаётган ишларни ўрганиши керак эди. Бу ишда бошланғич ташкилотлар фаол иштирок этди. Ҳар бир БПТ ўз ҳудудида мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаб, юқори партия ташкилоти ва гуруҳига тақдим этди. Айни кунда масала юзасидан тегишли таклифлар тайёрланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотлар иштироки кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса нафақат партия ташкилотлари ишини кучайтириш, балки аъзоларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини оширишга кенг йўл очмоқда.

**www.xdp.uz**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

# Сиёсий кучлар

## *мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги учун курашади*



**Икки палатали парламентнинг илк тамал тоши қўйилган Буюк Британияда ҳукуматни сиёсий партиялар шакллантиради. Парламентда энг кўп ўринларни қўлга киритган партия етакчиси Бош вазир лавозимини эгаллайди.**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлган сўнгги сайловда парламентнинг Лордлар палатасига 724 нафар, қуйи палатасига эса 650 нафар депутат сайланди. 2010 йил 6 майда ўтказилган парламент сайловида бирорта партия мустақил равишда янги ҳукуматни шакллантириш имконига эга бўлолмади.

Бугунги кунда мамлакатда учта етакчи сиёсий куч парламентда юқори ўрин олиш учун курашади. Бироқ сўнгги йилларда асосий рақобат Консерваторлар ва Лейбористлар ўртасида кечмоқда. Либераллар эса кўпинча улардан кейинги ўринга тушиб қолмоқда.

Бундан олдинги сайловларда Тони Блэр бошчилигидаги лейбористлар ҳукуматни шакллантиришга муваффақ бўлган эди. Аммо сўнгги сайловда вазият бироз ўзгарди. Ушбу партия қуйи палатада 258 мандатни қўлга киритди. Шунга қарамасдан Лордлар палатасида бошқа сиёсий партияларга нисбатан энг кўп — 217 ўринга эга бўлди. Европарламентда эса 73 ўриндан 13 тасини қўлга киритди.

Айни кундаги партия етакчиси Эд Милибэнд 2015 йилда ўтадиган парламент сайловларига жиддий тайёргарлик кўрилаётганини, партиянинг айрим тизимлари ислоҳ қилинаётганини таъкидламоқда.

Лейбористлар партияси Буюк Британияда катта обрўга эга сиёсий бирлашмадир. Ишчи партиясининг асосий ғояси социал-демократия ҳисобланади. Аммо йилдан-йилга партия йўналиши ҳам замонавий талабларга қараб ўзгариб, ишчи партияга айланиб бормоқда. Сайловолди дастурида ижтимоий бирдамлик, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бойлар ва камбағаллар ўртасида ўзаро тенгликни таъминлаш, ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчликни таъминлаш, шунингдек, бепул тиббий хизмат ва таълим тизимини ривожлантириш каби долзарб масалалар асосий ўрин эгаллаган.

Буюк Британияда яна бир йирик — Консерватив партия ҳам катта имкониятларга эга. Партия дастлаб катта ер эгалари, мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, кейинчалик партия жамият, демократик ривожланиш йўналишларига қараб ўз ғояларини такомиллаштириб борган.

Ҳозирда консерваторлар ўз дастурида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар ва давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнини камайтириш, бу борадаги масъулиятини ошириш, анъанавий оилавий қадриятларни асраб-авайлашни мақсад қилган.

Консерваторларнинг бош мақсадларидан бири иқтисодиётда давлат ролини қисқартиришдан иборат. Шунингдек, давлат маблағини янада масъулият билан сарф этилишини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш консерваторлар вакилларининг асосий ғоясидир.

Сўнгги сайлов натижасига кўра, консерваторлар қуйи палатада 306, юқори палатада эса 196 ўринни қўлга киритди. Мазкур партия узоқ ва шонли тарихга эга. Уинстон Черчилль, Маргарет Тэтчер каби йирик сиёсатчиларни юзага чиқарган мазкур партия бугун ҳам изчил ривожланмоқда.

Буюк Британия сиёсий майдонидаги яна бир йирик партия — ўтган сайловда камтар натижани қайд этган либераллар ҳисобланади. Улар қуйи палатада 57, юқори палатада эса 79 ўринни қўлга киритди. Партия мафкурасига эътибор қаратадиган бўлсак, қизиқ ҳолатга дуч келамиз. Партия солиқ юкини камайтириш, энди ишга қабул қилинаётган кишиларга имтиёзлар бериш, иш ўринлари ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

Шунингдек, мактаб таълимини ислоҳ қилиш, унга ажратилаётган маблағларни кўпайтириш тарафдори. Бундан ташқари, коррупцияга қарши аёвсиз кураш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, янги технологияларни жорий қилиш, мамлакатда транспорт хизмати тизимини такомиллаштириш ҳамда мигрантлар оқимини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблашмоқда.

Буюк Британиядаги сиёсий партияларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларнинг ғоялари бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аксинча, бир-бирини тўлдириб, ҳар бир соҳани янада ривожлантириш учун курашади. Бундай тажрибани кўплаб ривожланган демократик давлатлардаги сиёсий партиялар мисолида ҳам кўрамиз.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, сиёсий партия фақатгина бир йўналишни эгаллаб, шунда собит туриш эмас, балки мамлакатнинг ривожланиш стратегиясига кўра, ўз қарашларини ўзгартириб туриши, ғоя ва мафкурасини ривожлантириб, янгилаб бориши лозим.

**Нурали ОРИПОВ**

*Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!*

РЕКЛАМА

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи (сўм) | | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСсиз | |
| 1 | Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳридаги «Осиё» кинотеатрини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати учун «Ёшлар маркази»га мослаштириб мукаммал қайта қуриш. | 460 228 293 | 383 523 578 | 120 кун. |

***Буюртмачи:*** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. ***Тел.:*** (8369) 233-53-78, 233-06-11.

***Лойиҳани молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.***

*Танлов савдоси (тендер) фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

***Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:*** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, тел.факс: (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

***Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 100 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!**

ASAKA BANK

«Асака» банк (ОАЖ) қуйидаги корхоналар ва лойиҳаларни сотиб олишда ҳамкорликка таклиф этади.

| Т/р | Объект номи | Манзили | Асосий фаолият йўналиши |
|---|---|---|---|
| 1 | «Асака Коттон Импекс» МЧЖ | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саноат майдони. | Тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқариш |
| 2 | «Осиё Асака Модель» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124. | Пойабзал ишлаб чиқариш |
| 3 | «Қоракўл Асака Текстиль» МЧЖ | Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳри, Улуғбек кўчаси, 3. | Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва уни бўяш |
| 4 | Мулкий мажмуа | Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Н. Зокиров кўчаси, 114. | Тиббий бинтлар ва жарроҳлик салфеткалари ишлаб чиқариш |
| 5 | Мулкий мажмуа | Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли, 40-а. | Дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш |
| 6 | Мулкий мажмуа | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Эски Қовунчи» ҚФЙ, Экскаватор кўчаси, 1. | Мева концентратлари ва шарбатлари ишлаб чиқариш |
| 7 | Мулкий мажмуа | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ шаҳри, Ойбек кўчаси. | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 8 | Мулкий мажмуа | Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1. | Калава ип ишлаб чиқариш |
| 9 | Мулкий мажмуа | Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Қирққиз кўчаси, 3. | Тайёр тикув маҳсулотлари ва трикотаж мато ишлаб чиқариш |

**Ушбу объектлар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзилга боришлари ёки телефон рақамлари орқали боғланишлари мумкин.**

***Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:*** Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9.

***Телефон:*** 120-39-75, 120-39-68, 120-39-84. ***Факс:*** 120-39-84. ***Электрон почта:*** info@asakainvestment.uz

**Хизматлар лицензияланган.**

# «Toshkent kimoshdi savdolari» МЧЖ

## 2014 йил 8 июль куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг автокорхонаси балансидаги 1983 й. и/ч, д/р 10 TQ 760, бошланғич нархи 3 300 000 сўм бўлган «2-ПП-14» русумли полуприцеп; 1984 й. и/ч, бошланғич нархи 2 300 000 сўм бўлган «4045Р» русумли автопогрузчик ҳамда 1991 й. и/ч, д/р 10 TQ 607, бошланғич нархи — 6 200 000 сўм ва 1989 й. и/ч, д/р 10 TQ 706, бошланғич нархи 7 000 000 сўм бўлган «КамАЗ-53212»; 1985 й. и/ч, д/р 10 TQ 712 ва 1987 й. и/ч, д/р 10 TQ 746, бошланғич нархи 2 100 000 сўмдан бўлган иккита «ГАЗ-52»; 1985 й. и/ч, д/р 10 TQ 704, бошланғич нархи 2 800 000 сўм бўлган «ЗИЛ 130-431410» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kimoshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302 088 054, 2020 8000 0049 3283 3001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин.

**Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-уй. ***Алоқа телефони:*** (+998 93) 388-69-96, ***электрон почта:*** tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг автокорхонаси балансидаги д/р 10 TQ 705 бўлган «КамАЗ-5320» — 6 300 000 сўмга; д/р 10 TQ 701 бўлган «ГАЗ-2410» — 1 700 000 сўмга; д/р 10 TQ 716 бўлган «ЗИЛ 130-431410» — 3 730 000 сўмга; д/р 10 TQ 733 бўлган «ЗИЛ 130-431410» — 3 680 000 сўмга; д/р 10TQ726 бўлган «ЗИЛ ММЗ-4502» — 2 780 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати балансидаги 4 та «Дамас»: д/р 01/412 CDA — 8 980 000 сўмга; д/р 01/069 KAA — 8 840 000 сўмга; д/р 01/413 CDA — 8 840 000 сўмга; д/р 01/415 CDA — 8 840 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Гувоҳнома №005414-05**

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Хайитбой Абдуллаевга отаси **Дурдибой АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Бразилия — 2014

## Футбол бўйича 2014 йилги Жаҳон чемпионати финал босқичи ўйинлари жадвали






### Гуруҳ босқичи

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жума | Июнь 13, 2014 | 1:00 | Бразилия | | | Хорватия | Сан-Паулу |
| 2 | Жума | Июнь 13, 2014 | 21:00 | Мексика | | | Камерун | Натал |
| 3 | Шанба | Июнь 14, 2014 | 0:00 | Испания | | | Голландия | Сальвадор |
| 4 | Шанба | Июнь 14, 2014 | 3:00 | Чили | | | Австралия | Куритиба |
| 5 | Шанба | Июнь 14, 2014 | 21:00 | Колумбия | | | Греция | Белу Оризонти |
| 6 | Якш | Июнь 15, 2014 | 6:00 | Кот-д'Ивуар | | | Япония | Ресифи |
| 7 | Якш | Июнь 15, 2014 | 0:00 | Уругвай | | | Коста-Рика | Форталеза |
| 8 | Якш | Июнь 15, 2014 | 3:00 | Англия | | | Италия | Манаус |
| 9 | Якш | Июнь 15, 2014 | 21:00 | Швейцария | | | Эквадор | Бразилиа |
| 10 | Душ | Июнь 16, 2014 | 0:00 | Франция | | | Гондурас | Порту Алегри |
| 11 | Душ | Июнь 16, 2014 | 3:00 | Аргентина | | | Босния ва Герцеговина | Рио де Жанейро |
| 12 | Душ | Июнь 16, 2014 | 21:00 | Германия | | | Португалия | Сальвадор |
| 13 | Сеш | Июнь 17, 2014 | 0:00 | Эрон | | | Нигерия | Куритиба |
| 14 | Сеш | Июнь 17, 2014 | 3:00 | Гана | | | АҚШ | Натал |
| 15 | Сеш | Июнь 17, 2014 | 21:00 | Бельгия | | | Жазоир | Белу Оризонти |
| 16 | Чор | Июнь 18, 2014 | 0:00 | Бразилия | | | Мексика | Форталеза |
| 17 | Чор | Июнь 18, 2014 | 3:00 | Россия | | | Жанубий Корея | Куяба |
| 18 | Чор | Июнь 18, 2014 | 21:00 | Австралия | | | Голландия | Порту Алегри |
| 19 | Пай | Июнь 19, 2014 | 3:00 | Камерун | | | Хорватия | Манаус |
| 20 | Пай | Июнь 19, 2014 | 0:00 | Испания | | | Чили | Рио де Жанейро |
| 21 | Пай | Июнь 19, 2014 | 21:00 | Колумбия | | | Кот-д'Ивуар | Бразилиа |
| 22 | Жума | Июнь 20, 2014 | 0:00 | Уругвай | | | Англия | Сан-Паулу |
| 23 | Жума | Июнь 20, 2014 | 3:00 | Япония | | | Греция | Натал |
| 24 | Жума | Июнь 20, 2014 | 21:00 | Италия | | | Коста-Рика | Ресифи |
| 25 | Шанба | Июнь 21, 2014 | 0:00 | Швейцария | | | Франция | Сальвадор |
| 26 | Шанба | Июнь 21, 2014 | 3:00 | Гондурас | | | Эквадор | Куритиба |
| 27 | Шанба | Июнь 21, 2014 | 21:00 | Аргентина | | | Эрон | Белу Оризонти |
| 28 | Якш | Июнь 22, 2014 | 0:00 | Германия | | | Гана | Форталеза |
| 29 | Якш | Июнь 22, 2014 | 3:00 | Нигерия | | | Босния ва Герцеговина | Куяба |
| 30 | Душ | Июнь 23, 2014 | 0:00 | Жанубий Корея | | | Жазоир | Порту Алегри |
| 31 | Душ | Июнь 23, 2014 | 3:00 | АҚШ | | | Португалия | Манаус |
| 32 | Якш | Июнь 22, 2014 | 21:00 | Бельгия | | | Россия | Рио де Жанейро |
| 33 | Душ | Июнь 23, 2014 | 21:00 | Австралия | | | Испания | Куритиба |
| 34 | Душ | Июнь 23, 2014 | 21:00 | Голландия | | | Чили | Сан-Паулу |
| 35 | Сеш | Июнь 24, 2014 | 1:00 | Камерун | | | Бразилия | Бразилиа |
| 36 | Сеш | Июнь 24, 2014 | 1:00 | Хорватия | | | Мексика | Ресифи |
| 37 | Сеш | Июнь 24, 2014 | 21:00 | Италия | | | Уругвай | Натал |
| 38 | Сеш | Июнь 24, 2014 | 21:00 | Коста-Рика | | | Англия | Белу Оризонти |
| 39 | Чор | Июнь 25, 2014 | 1:00 | Япония | | | Колумбия | Куяба |
| 40 | Чор | Июнь 25, 2014 | 1:00 | Греция | | | Кот-д'Ивуар | Форталеза |
| 41 | Чор | Июнь 25, 2014 | 21:00 | Нигерия | | | Аргентина | Порту Алегри |
| 42 | Чор | Июнь 25, 2014 | 21:00 | Босния ва Герцеговина | | | Эрон | Сальвадор |
| 43 | Пай | Июнь 26, 2014 | 1:00 | Гондурас | | | Швейцария | Манаус |
| 44 | Пай | Июнь 26, 2014 | 1:00 | Эквадор | | | Франция | Рио де Жанейро |
| 45 | Пай | Июнь 26, 2014 | 21:00 | АҚШ | | | Германия | Ресифи |
| 46 | Пай | Июнь 26, 2014 | 21:00 | Португалия | | | Гана | Бразилиа |
| 47 | Жума | Июнь 27, 2014 | 1:00 | Жанубий Корея | | | Бельгия | Сан-Паулу |
| 48 | Жума | Июнь 27, 2014 | 1:00 | Жазоир | | | Россия | Куритиба |

| «A» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бразилия | | | | | | |
| Мексика | | | | | | |
| Хорватия | | | | | | |
| Камерун | | | | | | |

| «B» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Испания | | | | | | |
| Чили | | | | | | |
| Голландия | | | | | | |
| Австралия | | | | | | |

| «C» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Колумбия | | | | | | |
| Греция | | | | | | |
| Кот-д'Ивуар | | | | | | |
| Япония | | | | | | |




| «D» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Уругвай | | | | | | |
| Италия | | | | | | |
| Англия | | | | | | |
| Коста-Рика | | | | | | |

| «E» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Швейцария | | | | | | |
| Франция | | | | | | |
| Эквадор | | | | | | |
| Гондурас | | | | | | |

FIFA WORLD CUP Brasil



| «F» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Аргентина | | | | | | |
| Босния ва Герцеговина | | | | | | |
| Эрон | | | | | | |
| Нигерия | | | | | | |

| «G» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Германия | | | | | | |
| Португалия | | | | | | |
| АҚШ | | | | | | |
| Гана | | | | | | |



| «H» гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Тўп. нисб. | Очко-лар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бельгия | | | | | | |
| Россия | | | | | | |
| Жазоир | | | | | | |
| Жанубий Корея | | | | | | |

### Нимчорак финал

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 49 | Шанба | Июнь 28, 2014 | 21:00 | 1A | | | 2B | Белу Оризонти |
| 50 | Якш | Июнь 29, 2014 | 1:00 | 1C | | | 2D | Рио де Жанейро |
| 51 | Якш | Июнь 29, 2014 | 21:00 | 1B | | | 2A | Форталеза |
| 52 | Душ | Июнь 30, 2014 | 1:00 | 1D | | | 2C | Ресифи |
| 53 | Душ | Июнь 30, 2014 | 21:00 | 1E | | | 2F | Бразилиа |
| 54 | Сеш | Июль 1, 2014 | 1:00 | 1G | | | 2H | Порту Алегри |
| 55 | Сеш | Июль 1, 2014 | 21:00 | 1F | | | 2E | Сан-Паулу |
| 56 | Чор | Июль 2, 2014 | 1:00 | 1H | | | 2G | Сальвадор |

### Чорак финал

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 57 | Шанба | Июль 5, 2014 | 1:00 | W49 | | | W50 | Форталеза |
| 58 | Жума | Июль 4, 2014 | 21:00 | W53 | | | W54 | Рио де Жанейро |
| 59 | Якш | Июль 6, 2014 | 1:00 | W51 | | | W52 | Сальвадор |
| 60 | Шанба | Июль 5, 2014 | 21:00 | W55 | | | W56 | Бразилиа |

### Ярим финал

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 61 | Чор | Июль 9, 2014 | 1:00 | W57 | | | W58 | Белу Оризонти |
| 62 | Пай | Июль 10, 2014 | 1:00 | W59 | | | W60 | Сан-Паулу |

### 3-ўрин учун баҳс

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 63 | Якш | Июль 13, 2014 | 1:00 | L61 | | | L62 | Бразилиа |

### Финал

| № | Кун | Сана | Вақт | Жамоа | | | Жамоа | Шаҳар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 64 | Душ | Июль 14, 2014 | 0:00 | W61 | | | W62 | Рио де Жанейро |



## Ғолиб ва совриндорлар тақдирланди

**Наманган вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг финал босқичида Бухоро вилояти ёшлари ҳам муносиб иштирок этиб, 5 та олтин, 8 та кумуш ва 14 та бронза медали билан қайтдилар.**

Вилоят ҳокимлигида спортчи ёшларни тақдирлаш маросими ташкил этилди. **Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсанов** маросимни очар экан, спортчиларни эришган муваффақиятлари билан қутлаб, уларга янада улкан парвозлар тилади, келгусида жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашларига ишонч билдирди.

— Шу кунларда ҳаяжон ва шодлигимни сўз билан ифодалаб бўлмайди, — дейди **енгил атлетика бўйича олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳибаси Нигина Шарипова.** — Меҳнатларим ана шундай эътибор ва ғамхўрликка лойиқ топилаётгани, мусобақаларда эришаётган ютуқларимиз юртимизда биз учун яратилаётган имкониятларнинг натижаси, десам янглишмаган бўламан. Бу ғалаба, аввало, устозларим ва ота-онамнинг машаққатли меҳнатлари самараси эканини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

— Инсон ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлади, — дейди **енгил атлетика бўйича кумуш ва бронза медаллари соҳибаси Малика Анварова.** — Бироқ «Баркамол авлод — 2014» финал босқичидаги иштироким ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлиб қолади. Менга жуда катта умид билдирган, ғалабамни ўзимдан-да катта интиқлик, ҳаяжон билан кутаётган ота-онам ва устозларим олдида юзим ёруғ бўлганидан бениҳоят хурсандман. Президентимизнинг мусобақа иштирокчиларига йўллаган табригида билдирилган фикрлар бизни юксак марралар сари илдам қадам ташлашга ундайди.

Спортнинг ўзига хос машаққатлари олдида бош эгмай, фақат олға интилаётган бу ёшларни олдинда янада катта ғалабалар кутиб турганига ишончимиз комил.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**

РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank

## Кредит ҳисобига шифохона

очиб, элга хизмат қилаяпман, — дейди қўнғиротлик Қўнғиротбой Дўстмурадов

**Акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўнғирот филиали томонидан йўналтирилаётган кредитлар, энг аввало, иқтисодиётни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.**

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк филиалининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 2014 йил 1 май ҳолатига 811,0 млн. сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитлар ҳисобига эса 18 та янги иш ўрни яратилди.

Филиал томонидан ҳисобот даврига қадар аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 711,0 млн. сўмга етди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида Банк филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга жами 327,0 млн. сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Ёш оилалар фаровонлигини ошириш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жами 96,1 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Ўсиб келаётган навқирон авлоднинг маънавий етук ва ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишиши, билим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Банк филиали томонидан олий ўқув юртларида шартнома-контракт асосида ўқиётган ёшларга 46,0 млн. сўм миқдорида таълим кредитлари йўналтирилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини йўлга қўйиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 40,0 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

— Тиббиёт асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун «Қишлоқ қурилиш банк» Қўнғирот филиалидан имтиёзли 30 миллион сўм кредит олдим, — дейди Қўнғирот туманидаги «AZIZBEK KUNGRAD» хусусий корхонаси раҳбари Қўнғиротбой Дўстмурадов. — Тиш даволаш шифохонасини очдим ва 3 нафар ёш шифокорни иш билан таъминладим. Энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшиш билан бирга, даромадимизни оширишга ҳам катта имкониятлар яратилмоқда. Келгусида банк молиявий кўмагида фаолиятимизни кенгайтириш ва ёшларни иш билан таъминлаш орқали туманимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

Мухтасар айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўнғирот филиали томонидан ажратилаётган кредитлар аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга, ҳудуд тараққиётига хизмат қилмоқда.

**Шаҳноза РЎЗИЕВА.**

*Хизматлар лицензияланган.*




## ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti»

*требуются на работу декларанты*

**Требования к кандидатам:**

- *Наличие гражданства Республики Узбекистан;*
- *прописка в г.Ташкенте;*
- *возраст от 24 до 35 лет;*
- *наличие квалифицированного аттестата ГТК;*
- *в совершенстве владение государственным и русским языками.*

*По всем вопросам обращаться в отдел по работе с персоналом ГУП «Международного аэропорта Ташкент» (контактный тел. 140-29-11, внутренний № тел. 65-75).*

***Начальник ОМТС +(99890) 9981478.***

### ОБ-ҲАВО 7-8 — 06. 2014

**Юртимиз бўйлаб**

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +17 / +22 | +30 / +35 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +17 / +22 | +30/ +35 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +30 / +35 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +17 / +22 | +30 / +35 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +15 / +20 | +28 / +33 |
| Тошкент шаҳри | +18 / +20 | +31 / +33 |

**Дунё бўйлаб (°C)**

| Шаҳар | Ҳарорат |
|---|---|
| Лондон | +23 / +23 |
| Париж | +28 / +28 |
| Москва | +31 / +31 |
| Мадрид | +25 / +27 |
| Пекин | +30 / +30 |
| Канберра | +12 / +16 |
| Рим | +31 / +33 |
| Афина | +29 / +30 |
| Токио | +21 / +26 |
| Стокгольм | +20 / +25 |
| Кейптаун | +17 / +15 |
| Қоҳира | +30 / +30 |
| Гавана | +30 / +30 |
| Вашингтон | +29 / +29 |

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

## Жиззах вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**«Жиззах шаҳридаги Жиззах вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси биносини жорий таъмирлаш».**

***Объектнинг бошланғич қиймати:*** ҚҚСсиз 132,827 млн. сўм, ҚҚС билан 159,392 млн. сўм.

***Ишларни тугаллаш муддати:* 3 ой.**

Ишларни молиялаштириш вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи манзили:*** Жиззах шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй. ***Телефон:*** (8372) 223-80-31.

***Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:*** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат-ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 63-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), Жиззах вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази (426-хона).

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farruh HAMROYEV, Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Rustam KAMILOV, Tat'yana KISTANOVA, Sharbat ABDULLAYEVA, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 660 | Nashr ko`rsatkichi – 220
18391 nusxada bosildi. | t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 02.05
Topshirilgan vaqti — 05.05

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5